Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 71 (7211). ● 11 апрель, 1980 йил ◆ ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

АКТИВ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР

Пискент районидаги кўпгина ҳўжаликлар коллективлари 19 апрель — коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхозчилар ана шу кунни меҳнатда юксак муваффақиятлар билан кутиб оламиз ва самарали иш кунига айлантирамиз демоқдалар.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан 510 киши шанбаликка чиқади, 120 киши кўчат экиш, ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалашда қатнашади, 800 сўм пул беш йиллик фондига ўтказилади.

Калинин номли колхоз аъзолари ҳам шанбалик кўнн энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш ниятидадар. Умумхалқ ҳашарида 500 нафардан ортиқ колхозчи қатнашади.

БЕКОБОДЛИКЛАР РЕЖАСИ

БЕКОБОД райони меҳнаткашлари шу йилнинг 19 апрелида улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига ўтказиладиган умумхалқ ҳашарига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Барча корхоналар ва ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар коллективлари шанбаликни зўр уюшқоқлик билан ўтказиш, оддий кунлардагига нисбатан унумли ва сифатли меҳнат билан нишонлаш учун қизғин тараддуд кўрмоқдалар.

Ҳар бир коллектив шу куни қилинадиган ишларнинг аниқ режаларини белгилаб олди. Жумладан, йўл қурилиши ва фойдаланиш участкаси ишчи-хизматчилари коммунистик меҳнат байрамида салкам 20 минг сўмлик иш бажаришмоқчи. Юздан ортиқ йўлсоз меҳнат постида бўладилар.

«Госкомсельхозтехника»нинг Бекобод район бирлашмаси устахонаси ва цехларида ҳам шанбалик меҳнат байрами сифатида нишонланади.

Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

ТАДБИРКОР ДЕҲҚОНЛАР ДАЛАСИДА

КОЛХОЗДА ўтган йили 1720 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 28,5 центнер ўрнига 32 центнердан ҳосил кўтарилди. Давлатга сотилган 5500 тонна «оқ олтин»нинг 4300 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Областнинг кўплаб хўжаликларига нисбатан олганда бу кўрсаткич у қадар салмоқли эмасдек кўринади. Аслида-чи?

Бекободнинг тинимсиз эсувчи қаттиқ шамоли қишлоқ хўжалигига азалдан катта зарар етказиб келади. Энг аччиғлиси, ернинг унумдор қатламини «ялайвериб», ҳосилдорликка путур етказади. Хўжаликнинг экин майдонлари худди ана шу шамол зонасида жойлашган. Шундай бўлишига қарамай деҳқонлар самарали меҳнатлари, доимий изланиш, илғорлар тажрибаси ва техникадан унумли фойдаланиш эвазига табиат қаршилигини енгиб келмоқдалар. Йил сайин ҳосилдорлик ошиб боряпти.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида ҳосилдорлик гектар бошига 5 центнерга кўпайди. Бунда Отамурод Саъдуллаев, Абдураим Маматқулов, Мамажон Ғофуров, Турғун Эргашев, Сулаймон Нозимов, Ортиқбой Асроров сингари моҳир механизаторларнинг ҳамда Мирюсуф Миржумаев, Саигил Сидиқов, Шодмонқул Мавлонов, Очилбой Шомуродов, Имонқул Ҳайдаров, Олим Ҳатамов, Раим Ризақулов каби миришкорларнинг салмоқли улушлари бор.

Колхозда ташкилотчилик ва тадбиркорлик намуналарини кўрсатаётган тажрибали пахтакорлар кўплаб топилади. Абдуқодир Жуманов шулардан бири. Суяги деҳқончиликда қотган бу пахтакор қатор йиллардан буён 1-участкага раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўтган йили участка аршунослари 1827 тонна дурдона йигиштириб олдилар. Ҳосилдорликни 34,4 центнерга етказиб, район участка ва бўлимлари ўртасида ўтказилган мусобақада тўртинчи ўринга кўтарилдилар.

ИНОМЖОН УМАРОВ уч йилдан бери бригадирлик қилмоқда. Уни бу ишга А. Жуманов тавсия қилган эди. Ёш бригадир ишончни оқлади. Илгари ҳосилдорлик аранг 25 центнерни ташкил қилган бригадада ўтган йили 38,1 центнердан хирмон кўтарилди. Бундай кўрсаткичга колхоз тарихида биринчи марта эришилди.

Бригада пахтакорлари меҳнатга яраша даромад қилдилар. Ҳисоботга кўра йил давомида ишлаган пулларининг ҳар сўмига қўшимча равишда 2 сўму 3 тийиндан мукофот олдилар. Уртача йиллик даромад эса 4—5 минг сўмни ташкил этди. Участканинг Жўрабой Дадабоев, Файзулла Нарзуллаев, Абдуназар Шамсиев, Анорбой Маҳкамбоев ўртоқлар раҳбарлигидаги бригадаларида ҳам 34—37 центнердан ҳосил олинди.

Деҳқон учун ортиқча мақтовнинг кераги йўқ. У шон-шуҳрат учун эмас, балки мўл ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилади. Шу мақсад йўлида тиним билмайди. Ер бағрига ташланган уруғни бехато ундириб олиб, серҳосил туплар яратади, кеч кузда тоғ-тоғ хирмон уяди. Мана шунинг ўзи унинг учун катта бахт!

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ якуловчи йилида колхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш ва эл хазинасига 6000 тонна дурдона армуғон этишга аҳду паймон қилишган. Иш ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Қиш кунларида ҳам дала ишлари тўхтаб қолмади. Қор қалин ёққан кезларн далаларда зиг-заг борона тортган тракторларнинг нараси эшитилиб турди. Далаларни қоплаган қалин қорни тупроқ билан аралаштириб юбориш мақсадида 500 гектардан ортиқ майдон борона қилинди. Бу усулда кесаклар майдаланиши билан бир қаторда, қор ерга яхши сингиб, нам кўп ва узоқ сақланади. Кучли шамол зонасида жойлашган хўжалик учун айниқса, бу тадбир фойдалидир.

Кунлар исиб бошлаши биланоқ баҳорги дала ишлари ҳам қизитиб юборилди. Майдонларни экишга тайёрлаш жараёнида гўзапоя қолдиқлари ва кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизидан тозалашди. Карта четлари, уватлар, кераксиз йўлларни текислаш йўли билан бу йил экин майдони қарийб 120 гектарга кенгайтирилди.

— РАЙОН ПАРТИЯ комитети чигит экишни тез ва сифатли ўтказиш ҳамда гектарларда тўлиқ кўчат бўлишини таъминлаш юзасидан белгилаган тадбирларимизни маъқуллади,— дейди колхоз раиси Қодирали Эгамназаров.— Биз тадбирларни сифатли бажариш учун трактор сеялкасининг ҳолатига, чигитни ташлаш тезлиги, культиватор, СУЗ органларининг тўлиқлиги, тўғри жойлашишига, «ПГС» мосламаларининг ишлашига жиддий эътибор бераётирмиз. Иш сифатини ошириш, моҳир тракторчи ва сеялкачини аниқлаш учун махсус «В. И. Ленин ёрлиғи»ни ташкил қилганмиз. Учта фахрли ўринни эгаллаган ғолибларга «В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига» деган гувоҳнома ва қимматбаҳо совға топширилади. Бундай конкурс бригадалараро ҳам ўтказилиб, чигитни бир текис ундириб олган ва гектарларда тўлиқ кўчат бўлишини таъминлаган коллективлар тақдирланади.

Колхоз пахтакорлари чигит экиш кампаниясини 5—7 иш кунида қулай агротехник муддатларда ўтказиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Ерга чигит қадаш билан бирга минерал ўғит ҳам солинмоқда. Ҳар гектарига 10—12 сантиметр чуқурликда 25—30 килограммдан соф ҳолда азот ўғити берилияпти. Шунингдек, бегона ўтларга қарши которан гербицидни сепилаётир.

Бу йил 1720 гектар майдоннинг 560 гектарига қўш қаторлаб, қолганига эса кенг қаторлаб чигит экилади. Гектарларда 115—130 минг тупдан кўчат сақлаб қолишга эришилади.

А. ҲАЙДАРОВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз.

«СОЮЗ-35» УЧИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 10 апрель. (ТАСС). Учиш программасига мувофиқ космонавтлар Леонид Попов ва Валерий Рюмин «Союз-35» кемасини «Салют-6» — «Прогресс-8» орбитал комплекси билан туташтиришга тайёргарликни давом эттирмоқда.

«Союз-35» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда. Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.



«Союз-35» кемасининг командири — подполковник Леонид Иванович ПОПОВ.



«Союз-35» кемасининг борт инженери, СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Валерий РЮМИН.

ҲАБИБУЛЛА АБДУЖАББОРОВНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли Бекободдаги 16-автокорхона ҳайдовчилар бригадири Ҳабибулла Абдужабборов юк ташиш автотранспортида биринчи бўлиб бригада пудрати усулини жорий этганлиги билан республикага танилган. Пешқадам ҳайдовчи, моҳир ташкилотчи Х. Абдужабборов бригада пудрати усулида биринчи бўлиб ишлашга ўтиш билан бирга, илғорликда шахсий намуна кўрсатиб, бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш мажбуриятини олган эди.

Моҳир бригадир, ишбилармон ҳайдовчи зиммага олган ана шу юксак мажбуриятини муддатидан илгари адо этиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солди. Машиналарнинг доим рейсга шай ҳолда туришини таъминлади, иш вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланди ва кўзланган маррасига муддатидан анча олдин етиб келди. Х. Абдужабборов 7 апрелда икки беш йиллик планини бажарганлиги тўғрисидаги рапортга имзо чекди ва шу кундан 1986 йил ҳисобига меҳнат қила бошлади.

Ўтган давр ичида, яъни ўнинчи беш йиллик бошидан бери у 550 минг тонна юкни манзилларга элтиб бериб, 1 миллион 100 минг тонна-километр иш бажарди.

— Бу менинг доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига совғамдир,— дейди Х. Абдужабборов.— КПСС XXVI съезди шарафига яна 50 минг тонна юк ташиш мажбуриятини олдим.

ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА

Х. Турсунқулов номли колхоз пахтакорлари чигит экишда Янгийўл районида пешқадамлар сафида боряпти. Улар ҳозирнинг ўзида 600 гектарга яқин майдонга барака уруғи қададилар. Хўжалик пахта далаларида 20 та экиш агрегати ишлаб турибди. Улар билан кунига 150—170 гектар майдонга барака уруғи қадаляпти. Экиш агрегатларини бошқараётган илғор механизаторлардан М. Тошбоев, И. Хошимов, Т. Алдашев, Р. Қосимовлар кунига 7—8 гектар майдонга чигит экишга муваффақ бўлаётирлар.

Хўжаликда далаларни экишга тайёрлаш пухта ташкил этилганлиги туфайли агрегатларнинг юқори унум билан ишлаши таъминланяпти. Пахта майдонлари 18 та планировщик ва автогрейдерлар билан сифатли текисланмоқда. Чигит экиш билан бир йўла ҳар гектар майдонга 100 килограммдан соф азот солиняпти ва гербицид сепилмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йилида ҳар гектар майдондан 50 центнердан ва ундан ҳам ошириб «оқ олтин» етиштиришга бел боғлаган Эҳуб Сарибоев, Тошканбой Темиров, Абдували Беминовлар бошлиқ бригадалар коллективлари чигит экишда айниқса жонбозлик кўрсатишмоқда.

О. ҚОЗОҚБОЕВ.

ЭРТА ЭККАН—ЭРТА ЙИҒАДИ

Бу йилги баҳор об-ҳавоси ҳам беқарор бўляпти. Гоҳ чарақлаб кун чиқиб оламни мунаввар қилади, гоҳ бир зумда осмонни қора булут қоплаб, шариллаб ёмғир ёға бошлайди. Аммо, деҳқонлар тезроқ чигитни экиб олиш, фурсатни қўлдан бермаслик учун бутун тадбирларни кўрмоқдалар. Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «Қизил Октябрь», Энгельс номли колхозлар механизаторлари чигит экишда жадал олиб бормоқдалар.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози пахтакорлари ўтган йилни ғалаба билан якунлаганлар. 1260 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,6 центнердан ҳосил олиб, районда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йилида колхоз механизаторлари ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш, 5670 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиб, ўтган йилга нисбатан 555 тонна кўп пахта етиштиришга азму қарор қилганлар. Бу социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун Фикрет Сефершаев, Қумуш Огабоева, Отахон Тешабоевлар бошлиқ бригадалар коллективлари 50—55 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Шунинг учун улар чигитни барвақт, сифатли, агротехника қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда экишга ҳаракат қилмоқдалар. Чигит экиш билан бир вақтда далаларга ўғит солинмоқда ва ёввойи ўтларга қарши гербицид сепилмоқда.

Ҳозир колхоз далаларида 19 та сеялка билан чигит экилмоқда. Айниқса, Жаъфарали Ҳолиқов, Неъматжон Қосимов, Алиқул Эшонқулов сингари механизаторлар чигитни сифатли экишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

— Колхозимизда чигит пуштага экилаётган экан. Бунинг афзаллиги нимадан иборат? — сўрадик колхоз раиси Исфандиёр Аҳмедовдан.

— Деҳқон мавжуд шароитни ҳисобга олиб иш қилиши керак, — деди у. — Ҳозир ҳаво гоҳ иссиқ, гоҳ совиқ турибди. Чигит эса қизиган ерда тез унади. Шуни ҳисобга олиб тажриба учун айрим ерларга пуштага чигит экдик. Яъни қизиб турган ер бетига чигит ташлаб устига тупроқ тортиб кетилди.

Айни кунларда райондаги барча хўжаликларда алмашлаб экишни тўла жорий этишга қаратилган муҳим тадбирлар ҳам амалга оширияпти. Ўтган йили Чиноз райони бўйича алмашлаб экиш 52,5 процент амалга оширилган эди. Фақат «Октябрь 40 йиллиги» колхозидагина алмашлаб экиш 100 процент жорий этилганди. Энгельс номли, «Қизил Октябрь», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида ва «Партия XXIV съезди» совхозида бу соҳадаги ишлар бир мунча дуруст бўлса ҳам қолган хўжаликлардаги аҳвол қониқарли эмас эди. Район партия комитети барча хўжаликларда алмашлаб экишни тўла жорий этиш чораларини кўра бошлади. Мутахассислардан иборат махсус комиссия алмашлаб экиш схемаларини тузиб чиққан. Шунга кўра бу йил район бўйича алмашлаб экиш 92,5 процентга етади. Шу тадбирга кўра Киров номли, Энгельс номли, «Қизил Октябрь» колхозлари ва «Партия XXIV съезди» совхозида тўла алмашлаб экиш жорий этилади.

— Ҳар йили ерга бир хил экин экилаверса яхши натижа бермаслигини ҳамма билади, — деди биз билан суҳбатда «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози раиси И. Аҳмедов. — Авваллги йиллари биз ҳам алмашлаб экишга етарли эътибор бермай келардик. Ўтган йили колхозимизда алмашлаб экиш 70 процентга етган эди, бу йил 90 процент бўлади.

Махсус комиссия ҳозир колхоз ва совхозларнинг далаларида картама-карта юриб, алмашлаб экиш схемасига риоя қилинишини текширмоқда.

Чинозликлар чигитни тезроқ экиб, бу йил пахта ҳосилдорлигини район бўйича 39 центнерга етказиш учун астойдил курашмоқдалар.

Б. ҲАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЛЕНИН ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Совет шарқида дастлабки олий ўқув юрти — Давлат университетини ташкил этиш учун москвалик ва петроградлик олимлардан бир группаси тушган махсус поезд Тошкент темир йўл станциясига етиб келган кунга ропша-роса олтмиш йил тўлди.

Ёш советлар республикаси интервенциячилар билан жанг қилаётган, вайронгарчилик ва очарчиликдан азоб чекаётган ўша йилларда партия ғамхўрлиги билан, Туркистон университетини таъсис этиш тўғрисидаги декретни имзолаган улуғ Ленин заковати билан қолоқ ўлка халқларига илм-фан, маърифат йўли очилди.

Эндиликда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети халқ хўжалиги ва фан учун кадрлар тайёрлайдиган етакчи маскан бўлиб қолди. Университет барпо этилгандан буён ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг, Ўрта Осиёдаги бошқа қардош республикаларнинг муътакил олий ўқув юртлари бўлиб қолган бир қанча институтлар ундан ажралиб чиқди.

ТошДУ коллективининг, республика пойтахтидаги партия — совет органлари, жамоатчилик намояндаларининг 10 апрель куни университет шаҳарчаси майдонида бўлиб ўтган тантанали митинги Ленин йўлаган илм-фан поезди Тошкентга етиб келганлигининг олтмиш йиллигига бағишланди.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар ленинча миялий синсатнинг тантанаси тўғрисида, мамлакатимиздаги барча халқлар социалистик маданиятининг равнақи ҳақида гапирдилар. Тошкент Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов, университетнинг энг кекса ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор, Ленин эшелони билан Тошкентга келган Н. А. Райкова, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов, «Философские науки» журналининг Бош редактори Г. С. Готт, 1917 йилдан КПСС аъзоси комсомол III съезди ва КПСС XXV съезларининг делегати, Туркистонда совет ҳокимияти душманлари билан олиб борилган жангларнинг қатнашчиси Л. И. Шушпанов, ТошДУ филология факультетининг студенти, ВЛКСМ XVIII съездининг делегати Х. Ҳамроева фан ва халқ маорифини ривожлантириш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун партияга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ташкил қилинган катта экспозиция ана шу шонли санага бағишланди. Бу экспозиция Тошкент Давлат университети олтмиш йил мобайнида босиб ўтган шонли йўл тўғрисида, шу олий ўқув юртини битириб чиққан кишилар эришган ютуқлар ҳақида, советлар мамлакатининг экономикаси, фан ва маданиятини ривожлантиришга улар қўшган ҳисса тўғрисида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯНИ, ДЎСТЛИКНИ, БАҲОРНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

10 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган мушоира кечасида Москва, Тошкент, Тбилиси, Кишинёв, Ереван, Олмаота, Фрунзе, Душанбе, Боку, Элистадан келган шоирларнинг шеърлари жаранглади. Партияни, дўстликни, совет кишиларини шарафловчи, баҳорни шарафловчи илҳомбахш сатрлар мамлакатимиз қардош халқларининг тилларида ўқилди.

Мушоира кечаси — адибларнинг «Биз — совет халқи» мавзуига бағишланган Тошкент учрашувидаги марказий воқеаларнинг бири. «Литературная газета» редакцияси билан Ўзбекистон ёзувчилар союзи уюштирган учрашув республика пойтахтида икки кун давом этди.

Кўпгина шоирлар Тошкентдаги учрашувга ўзларининг янги шеърлари билан келишди. Бу ерда шу баҳор кунлари Тошкент кўчаларида — дўстлик шаҳри, ёркин фестивеллар шаҳрида кўриб-кечирганлардан олган таассурот остида ижод этилган шеърий асарлар ҳам янгради. Дўстлик шаҳри Тошкентга адиблар, кинематографчилар, театр арбоблари бутун дунёдан келиб туришибди.

(ЎзТАГ).

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

Республика бинокорлари ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йили халқ хўжалик планида кўзда тутилган янги ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топширишни жадаллаштириш учун социалистик мусобақага кўшилиб, иш суръатини тобора кучайтирмоқдалар.

Асосий пудратчи министрликлар ва идоралар I квартал қурилиш-монтаж ишлари планини бажардилар ва бу ишларнинг ўтган йил шу даврдагига нисбатан 3 процент ўсишига эришдилар.

Асосий қурилиш министрликлари ва идоралари пудрат ишлари планини қандай бажарганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	процент ҳисобида	
	1980 йил январь-март ойлари планининг бажарилиши	1980 йил январь-февраль ойларида 1979 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	101	103
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	104	104
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Главташкентстрой»	102 104	112 106
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Госкомводстрой»	110 114	98 102
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиш ва фойдаланиш министрлиги «Главсредазирсовхозстрой»	111	106
[Ўзбекистон ССР территориясида] «Узколхозстрой»	103 105	99 102

Шу билан бирга баъзи бир қурилиш ва монтаж трестлари қабул қилинган социалистик мажбуриятларнигина эмас, давлат планини ҳам уддалай олмадилар. Қолоқлар орасида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 4, 7, 8, 9, 13, 14, 165-трестлар ва «Самарқандхимстрой» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли «Ташобласельстрой» трести, 24, 27-трестлар, «Главташкентстройга қарашли 4, 6, 8 ва 153-трестлар, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Ташсантехмонтаж» трести бор.

Айрим министрликлар ва идоралар ишга туширилаётган бир қанча объектлар, шу жумладан В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатида, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Самарқанд суперфосфат заводида, Поп нотўқима материаллар фабрикасида, Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар фирмасида, Қосон ёг-экстракция заводида, Гулистон ва Жиззах сут заводларида ва бошқа жойларда қурилишнинг анча орқада қолишига йўл қўйдилар.

Ҳозирги вақтдаги вазифа ишларни ташкил этишни ғоят қисқа муддатларда яхшилашдан, куч ва маблағларни II кварталда ишга туширилаётган объектларга жамлашдан иборатдир.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, қурилишларнинг партия комитетлари иккинчи кварталда ҳамма ишга туширилаётган объектлар сўзсиз фойдаланишга топширилиши учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари лозим. Иш шундай йўлга қўйилган бўлиши керакки, ҳар бир коллектив, ишчилар бригадаси апрель ойида ҳал этиш керак бўлган вазифани аниқ билиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажариш учун самарали мусобақалашадиган бўлсин.

ҲАМ ДОН, ҲАМ ПАХТА

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг Константин Ким бошлиқ бригадаси коллективи 40 гектар майдонга беда, 32 гектар ерга маккажўхори экиб бўлди. Маккажўхорикорлар бу йил ҳар гектар майдондан 80 центнердан «каҳрабо дон» ҳосили олишга бел боғлаганлар.

Бригада аъзолари шу кунларда чигит экишни ҳам авж олдириб юборганлар. Бу ишда механизаторлардан Ш. Толипхонов, А. Ким ҳамда уруғлик минерал ўғит ва гербицидларни ўз вақтида далага етказиб бераётган транспорт трактористи Ч. Цойлар самарали меҳнат қилишяпти. Механизаторлар 108 гектар майдонга чигит экишни қисқа муддатда тугаллашга аҳд қилганлар.

А. ШАХАНОВ.

КОММУНИСТЛАР ТАКЛИФИ АМАЛДА

ДОҲИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ленин район партия комитети ва «Билим» жамияти район ташкилоти ўтказган илмий-назарий конференция доҳиймиз В. И. Ленининг назарий меросини ўрганишга ва уни пропаганда қилишга бағишланди. Конференцияда пропагандистлар, снёсий ахборотчилар, агитаторлар, лекторлар иштирок этишди. Улар Тошкент олий партия мактаби доценти филология фанлари кандидати К. А. Шарофутдиновнинг «В. И. Ленин буюк нотиқ ва революция ташвиқотчиси» деган темадаги докладини тингладилар.

Шундан сўнг олимлар сўзга чиқиб, коммунистик қурилишнинг ҳозирги даврида партия пропагандаси жанговарлигини ошириш, янги жамият кишисини тарбиялашда доҳийнинг назарий мероси қанчалик катта роль ўйнаётганлигини таъкидладилар. Йиғилганлар айниқса Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти профессори, тарих фанлари доктори А. Раззоқов, тарих фанлари кандидати Б. Я. Гольдин ва бошқа олимларнинг чиқишларини мароқ билан тингладилар.

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ПРИБОР ПУХТА ЧИҚДИ

Подшипникларнинг совишини кузатиш ҳизматини электромеханик «контролерлар» ўз зиммасига олгач, насос агрегатларининг бекор туриши уч баравар камайди. Янги приборлар илк бор синаб кўрилган Қарши магистрал каналида насослар ремонтсиз ўрта ҳисобда тўрт минг соатдан ишлади — аввалгисидан бир неча марта кўпга чиқади.

Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари ишлаб чиқкан янгиликнинг самараси шундай бўлди. Илгари қурилмалар иссиқ иқлим шароитларида тез ишдан чиқар, нотўғри кўрсатар ва бу нарса насосларнинг ишига салбий таъсир кўрсатарди. Институтда тайёрланган приборлар эса ҳато қилмайди. Улар подшипниклар ёйила бошлаганлигини вақтида пайқаб ремонтчиларни барвақт огоҳлантиради.

Янгиликнинг ўзини яратган кишиларнинг ҳисоб-китоблари нотўғри эканлигини кўрсатди. Янгиликни Қарши магистралида жорий этишдан олинган йиллик иқтисодий самара кутилгандек 72 минг сўм эмас, балки қарийб уч баравар кўп бўлиб чиқди. Институтнинг экспериментал ишлаб чиқариш корхонаси Грузия, Туркманистон, Украинадан шу приборларни ясаб беришга буюртма олди. Янги приборнинг катта турқуми Олтой ирригаторларига юборилди.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

АФҒОНИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

КОБУЛ, 9 апрель (ТАСС). Ташқи ишлар министрлари даражасида Ислом конференцияси ташкилотининг бўлажак навбатдаги сессияси муносабати билан Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати баёнот берди.

Бахтар агентлиги тарқатган шу баёнотда бундай дейилади: АДР ҳукумати Ислом конференцияси ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган фавқулодда сессиясининг Афғонистонни шу ташкилот аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорини тамомила ғайриқонуний ва бирон-бир кучга эга бўлмаган қарор, деб ҳисоблайди. Бу қарор Ислом конференцияси ташкилоти уставига хилофдир. АДР ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қолиб, бўлажак сессияда фаол катнашишга тайёр эканлигини билдиради. Бу конференцияга АДР ташқи ишлар министри Ш. Дўст бошчилигидаги ваколатли делегация юборади. Делегация империалистик ва сионистик агрессияга қарши Яқин ва Ўрта Шарқ районида, шунингдек, кескин вазият мавжуд бўлган бошқа районларда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда мусулмонлар дунёсининг манфаатларини қатъиян ҳимоя қилиш тўғрисида йўл-йўриқ олади.

Баёнотда бундай дейилган: АДР ҳукумати бўлажак сессиянинг кун тартибига «Афғонистон масаласи» деган сохта масаланинг киритилиши конференция иштирокчиларининг эътиборини ислом давлатларининг ҳақиқий манфаатларига алоқадор бўлган ғоят муҳим проблемалардан четга бурилишгагина хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Бу эса мусулмон мамлакатлари ўртасида нифоқ уруғини сочишга ва халқаро вазиятни кескинлаштиришга уринаётган империалист кучларгагина қўл келади. Шунга қарамай, бу масала кун тартибига киритилган тақдирдагина Афғонистон делегацияси империалистик доираларнинг Афғонистон революцияси тўғрисидаги уйдирмаларини фош қилиш мақсадида Афғонистон теварагидаги воқеалар хусусида АДР ҳукумати ва халқининг тутган позициясини тушунтириб беришга тайёрдир. АДР империализм билан сионизм Афғонистондаги воқеалардан халқаро кескинликни кучайтириш учун, барқарорликни бузиш, кескинликни юмшатишга путур етказиш мақсадида ва Яқин ҳамда Ўрта шарқдаги агрессив режаларини никоблаш учун бир баҳона сифатида фойдаланаётганлигига ҳеч қандай шак-шубҳа қолдирмайди. АДР, дейилади баёнотда, ислом бирдамлигини мустаҳкамлаш учун ва мусулмон мамлакатларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиш учун кучини асло аямайди.

ЧАДДАГИ ВАЗИЯТ

ЯУНДЕ, 10 апрель (ТАСС). Нжаменадан олинган хабарларга қараганда, Чад пойтахтида вазият ҳали ҳам кескин бўлиб қолмоқда. Ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим кучга кирмасдан бир неча соат илгари аэропорт районида миллий бирлик ўткинчи ҳукумати раиси Гукуни Уэддея қуролли бўлинмалари билан миллий мудофаа давлат министри Хиссен Хабре қуролли бўлинмалари ўртасида яна тўқнашувлар бўлиб ўтган. Ўт очишни тўхтатиш шартлари кучга киргандан кейин шаҳарда, айниқса унинг шимолий қисмида неча марталаб отишмалар бўлган.

Африка Бирлиги Ташкилотининг Бош секретари Э. Кожо Нжаменга келди. Африка Бирлиги Ташкилотининг раиси У. Толбертнинг топширувига биноан у ракобатлашаётган ҳарбий-снёсий гуруҳларнинг раҳбарлари ва Чаддаги бошқа расмий шахслар билан учрашиб, мамлакатда тинчликни таъминлаш мақсадида ўзаро келишиб олинган конкрет тадбирларни муҳокама килади.

Чаддан Камерунга келаётган қочоқлар сони тобора кўпаймоқда. Чад билан чегарадош Куссери шаҳарчасининг атроф теварагидаги лагерларда 120 мингдан ортиқ киши тўпланди. Чадликлар орасида кўпгина яралар бор. Камерун врачлари уларга зарур ёрдам бериб турибдилар.

Республика президенти А. Ахижонинг қарорига биноан Чаддан кочиб келганларга шошилинч ёрдам берувчи миллий комитет тузилди. Комитет Чаднинг зарар кўрган гражданларига моддий ёрдам кўрсатишни сўраб халқаро ташкилотларга мурожаат қилди.

ЭРОН БИЛАН ИРОҚ ЎРТАСИДА МУНОСАБАТЛАР КЕСКИНЛАШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 9 апрель (ТАСС). Бундан илгари хабар берилганидек, кейинги кунларда Эрон билан Ирок ўртасидаги муносабатлар ғоят кескинлашди. Иккала мамлакат ўртасидаги чегарада қуролли можаролар бўлмоқда. Шунинг натижасида чет эл ахборот агентликларининг маълум қилишича, ўлганлар ва яралар бор.

Теҳрон радиосининг маълум қилишича, Ирок томонидан Эрон территориясига қуролли кучлар бостириб кирган ва Амускирманшоҳон районида Эроннинг нефть иншоотлари ва чегара пунктларини оғир тўплардан ўққа тутган. Шу хабарларга кўра, Ирок қўшинлари Хусравий томонига ҳам бостириб киргандар.

Ирок ташқи ишлар министрлиги БМТ Бош секретариға мактуб юборди. Шу мактубда Эрон ҳукуматидан Эрон ҳарбий бўлинмаларини натта ва кичик Томб ва Абу-Мусо ороллариданн дарҳол олиб кетиш таклиф қилинади. Мактубда Ирок шу ороллани Эроннинг босиб олганлигини гайри қонуний деб ҳисоблаганлиги ва тан олмаганлиги айтилади.

Бу ерда маълум бўлишича, Ирок ҳукумати Ирокдан бир неча минг эроплик шиитларни чиқариб юборишга карор қилган.

Эрон ҳукумати ўз элчихонасининг ҳамма ходимларини Багдоддан чақириб олди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТ ИШ УСЛУБИ

катта тадбирлар амалга оширилди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида саноат корхоналари раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари адресларига 39 та танқидий фикр ва таклифлар билдирилган эди. Шундан 30 таси ҳозиргача бажарилди ва айримлари бажарилиш олдида турипти. Шу жумладан ремонт-механика заводида ишчилар учун меҳнат шароитини яхшилаш ҳақида илтимос тушган эди. Кейинги икки йил ичида янги цехлар қурилишига эътибор кучайтирилди. Иситиш системаси йўлга қўйилди. Янги маъмурий бино қуриб фойдаланишга топширилди.

Яна бир қатор корхоналар ишини яхшилаш юзасидан ҳам кўпгина таклифлар айтилган эди. Бу борада ҳам тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Мазкур тадбирларнинг шарофати билан 1980 йилнинг охирига бориб саноат маҳсулоти ҳажми 17, меҳнат унумдорлиги 14,5 процентга ўсади. Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ялпи маҳсулотга нисбатан 18 процентни ташкил қилади.

Район партия комитети капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш монтаж ишлари ҳажмини кенгайтириш, турар жой, маданий-маиший объектларни ўз муддатида қуриб битказиш йўлида ҳам бир мунча ижобий ишларни қилмоқда.

Ҳисобот-сайлов конференциясида қурилиш монтаж ишларида таъминотни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш сифатини яхшилаш бўйича конкрет таклифлар киритилган эди. Уларнинг ҳаммаси район партия комитети, район ижроия комитети томонидан дарҳол назоратга олинди. Натижада бир қатор объектларда қурилиш суръати кескин ўсди.

Конференцияда айниқса қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан қизғин музокара бўлган эди. Айниқса фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этиш, деҳончилик маданиятини юксалтириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш, ирригация ва мелиорация ишларини тубдан яхшилаш юзасидан айтилган фикрлар ҳаммамизни янгидан янги марраларга отлантирди. Ўтган йили қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топшириш бўйича жуда катта мувaффақиятларни қўлга киритдик.

Конференцияда, ички резервларни ишга солиш, қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш, илғорлар тажрибасини умумлаштириш ва омманинг мулкига айлантириш энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилди. Делегатлар районда алмашлаб экиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланиш талаб даражасида эмаслигини таъкидлашди. Бу масалалар район партия комитетининг бюроларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида бир неча бор атрофлича муҳокама қилинди. Натижада ҳосилдорлик ошди, маҳсулот сифати яхшиланди. Ҳозир чорвачиликда 5 минг килограммчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кенг қанот ёйган. «Коммунизм» колхозидан М. Отаҳўжаева, Ж. Асҳўжаева, «Ленинизм» колхозидан А. Назарова, Х. Турсунқулов номли колхозидан Ж. Ёқубова каби сут соғувчилар, бу ҳаракатнинг олдинги сафларида боришмоқда.

Район партия комитети идеология ишининг барча формаларини такомиллаштириб бормоқда. Бу масалалар ҳам пленумларда, бюроларда муҳокама қилинмоқда. Масалан, район партия комитетининг пленумида бошланғич партия ташкилотларида идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида масала муҳокама қилинди. Пленумда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва унинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Партия ташкилотлари лекция пропагандасини яхшилаш борасида яхши тадбирлар ишлаб чиқишган. Пропагандистлар, агитаторлар, снёсий ахборотчилар, корхона раҳбарлари далаларда, саноат корхоналарида, бунёдкорлар ҳузурида тез-тез бўлиб туришипти.

Ўтган давр ичида ташкилий-партиявий ишлар такомиллашди.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари партия сафларини илғор ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ҳисобига ўстириш устида ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўтган йили КПСС сафига қабул қилинган илғор кишиларнинг 70 процентга ишчи ва колхозчилар бўлди.

Бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группаларига раҳбарликни яхшилаб бориш район партия комитетининг доимо диққат марказида бўлмоқда. Ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарлик такомиллашмоқда.

Ўнинчи беш йиллигимиз якунловчи йилида олдимизда жуда катта вазифалар турипти. Районимиз меҳнаткашлари бу йил 36 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони яратишга, 22 минг тонна сабзавот, 18 минг тонна мева, 6 минг 800 тонна каноп, 14180 тонна дон етиштиришга аҳд қилишган. Бундай юксак вазифани адо этишда шубҳасиз коммунистларнинг авангардлиги муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам район партия комитети коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги намунасини, жамоат ишларидаги активлигини ошириш учун курашмоқда.

А. КАШЧЕНКО,
Янгийўл район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ТАШАББУСКОРЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРСИН

Бўка районининг азамат пахтакорлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда она-Ватанга 80 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришдек улуғ мақсадни дилларига жо қилган ҳолда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Шу кураш давомида бир группа илғор пахтакорлар беш йилликнинг якунловчи йилида ҳосилдорликни 50—60 центнерга етказиб ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ «оқ олтин» сотиш ташаббуси билан чиқдилар.

«ПАХТАКОРЛАР ОВОЗИ» район газетасининг махсус сонк мўл ҳосил усталари ташаббусига бағишланди. Газетанинг биринчи саҳифасида «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригада бошлиқлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Санд Иброҳимов, Саиджаббор Сулаймонов, Эргаш Бозорбоевлар сўзи берилган. Бу бригадаларда ўтган йили 56,1—50 центнердан ҳосил етиштирилган эди. Тажрибали пахтакорлар бу йил бор имкониятларни ишга солиб, гектар бошига 60 центнердан ҳосил олишга бел боғладилар.

Газетанинг ички саҳифаларида «Ленинобод» колхози бригада бошлиғи Инобат Хожибекова, «Ленин йўли» колхози бригада бошлиғи Мингтош Жўраев, «Бўка» совхози бригада бошлиғи Мақсудали Рўзиев каби бир группа ташаббускорларнинг сўзлари берилган. Улар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантиришга, ўтган йилга нисбатан ҳосилдорликни 5—10 центнерга оширишга ва гектар бошига 50—55 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳду-паймон қилганлар. Ташаббускорлар бошқа ҳамкасбларини ҳам юксак унум билан ишлашга, юбилей йилида «оқ олтин»дан рекорд ҳосил олишга даъват этганлар.

Газета кенг омманн ташаббускорлар режаси билан таништириб яхши иш килган. Бундан бўён ташаббускорлар ва уларнинг издошлари ваъдага яраша қандай меҳнат қилаётганликлари ҳақида жонли ҳикоялар қилиб боришн лозим.



ТОШКЕНДАГИ 129-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари шаҳарни кўкаламзорлаштириш ойлигида актив иштирок этишяпти. Суратда: ўқувчилар Юнусобод массивида.
С. Икромов фотоси.

ПЕШҚАДАМ ЧЕВАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи самарадорлик ва сифат беш йиллигининг сўнгги йилида ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатини янада оширишга ҳаракат қиляпти. Цехлар ва бригадалар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақа муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

6-цехдаги бригадалараро меҳнат беллашувида Светлана Белоглазова бошлиқ коллектив голиб деб топилди. У ўтган ойнинг уччала декадасида ҳам биринчи ўринни эгаллади. Коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номга яраша ишлаётган чеварлар тайёрлаётган маҳсулот фақат аъло сифатга қабул қилинаяпти. Лутфия Каримова, Муқаддам Гуломова, Муаззам Раҳимжонова, Ҳакима Ҳикматова, Маҳфуза Йўлчиева каби илғорлар 60 кишилик коллектив ўртасидаги шахсий меҳнат беллашувида олдинги сафда боришмоқда. Улар айни кунларда келгуси йилнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Коммунист Саида Набиева илғор бўлиш билан бирга ёшларнинг меҳрибон мураббийси сифатида ҳам танилган. У 16 йилдан бўён шу цехда меҳнат қилиб, коллектив ҳурмат-эътиборини қозонаяпти. Саида Набиеванинг кўксини медаллар, «Социалистик мусобақа аълочиси», «Коммунистик меҳнат зарбдори» нишонлари безаб турибди. Киров район партия комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган бу пешқадам чеварнинг меҳнат календарида 1982 йилнинг август ойи бошланди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Мукофот муборак

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

1. **Оққулова** Ойсара — уй бекаси, Ўрта Чирчиқ райони.
2. **Оқпанбетова** Муборак — уй бекаси, Чиноз райони.
3. **Алиева** Ҳанифа — уй бекаси, Бўка райони.
4. **Бозорова** Майрам — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози ишчиси.
5. **Бойтамаева** Ҳалима — уй бекаси, Оржоникидзе райони.
6. **Деҳқонова** Инобат — уй бекаси, Янгийўл райони.
7. **Жумаева** Карима — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози ишчиси.
8. **Қозоқбоева** Қулбиной — уй бекаси, Чиноз райони.
9. **Қурбонова** Шарофат — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.
10. **Қўрғонова** Дилором — уй бекаси, Келес шаҳри.
11. **Маҳкамова** Жанлиш — уй бекаси, Оҳангарон райони.
12. **Машарипова** Шаропат — уй бекаси, Ангрен шаҳри.
13. **Маранмова** Умржон Иброимовна — ишчи, Чирчиқ шаҳри.
14. **Мирзақулова** Умид — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.
15. **Мирзалиева** Назира — уй бекаси, Оҳангарон райони.
16. **Мусаева** Муқаррам — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози ишчиси.
17. **Нишонбоева** Қурбон — уй бекаси, Тошкент района.
18. **Омонова** Олтинбуви — уй бекаси, Калинин райони.
19. **Палсайдова** Рихси — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.
20. **Пармонова** Нуриниса — уй бекаси, Пискент шаҳри.
21. **Собирова** Хавизамо — ишчи, Ангрен шаҳри.
22. **Содиқова** Ўктам — уй бекаси, Чиноз район.
23. **Содиқова** Ойхоним — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.
24. **Тоғаева** Саломат — уй бекаси, Бекобод райони.
25. **Тошмуродова** Бусара — Галаба районидаги Киров номли колхоз аъзоси.
26. **Турдибоева** Саула — Галаба районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.
27. **Фозилова** Ҳукми — уй бекаси, Ангрен шаҳри.
28. **Хожиева** Ҳалима — уй бекаси, Чиноз район.
29. **Холмуродова** Мизалифа — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.
30. **Хожиматова** Сайдинисо — уй бекаси, Янгийўл райони.
31. **Ҳолдорова** Рисқи — уй бекаси, Ангрен шаҳри.
32. **Йўлдошева** Зура — уй бекаси, Бўка район.
33. **Йўлдошева** Тожи — уй бекаси, Газалкент шаҳри.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва. Кремль. 1980 йил, 25 март.

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

КИРОВ районидаги Тельман номли маҳалла клубида турли мавзуларда қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказиш анъанага айланиб қолган. Шунинг учун ҳам бу маҳалла комитетининг иши район партия комитети томонидан бир неча бор ижобий баҳоланди.

Куни кеча клуб яна гавжум бўлди. Йиғилганларга Тошкент Олий партия мактабининг ўқитувчиси О. Шоюсупов «Ўзбекистонда ленинча миллий снёсатнинг тантанаси» деган мавзуда лекция ўқиди. Шундан сўнг халқаро аҳвол ҳақида гап борди.

Йиғилиш сўнгида Ҳ. Олимжон номли маданият уйи бадиий ҳаваскорлари катта концерт намойиш этишди.

С. САЪДИЕВ.

ЎҚИТУВЧИЛАР СУЛОЛАСИ

Октябрь қуёши нур сочган кун Эшонжон акалар оиласига қўшалоқ қувонч келтирди. Орзиқиб кутилган тўнғич фарзанд Сайдали дунёга келди.

Билимга ташна Эшонжон ака Бухорода таҳсил кўрди. У кейинчалик Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик бўлимида илмий ходим бўлиб ишлади. У араб тилларидаги кўплаб ноёб асарларни ўзбек тилига таржима қилди.

Тўнғич ўғли ҳам ота изидан борди. Унинг укалари, сингиллари ҳам олий маълумотли кишилар бўлиб етишишди. Сайдали ака Хўжаев педагоглик касбига ихлос қўйди. Шу ўринда машҳур педагог А. Макаренконинг «Мен педагоглик қилиб ўлсаму, кейин яна тирилиб қолсам, ҳеч бир иккиланмай яна ўқитувчилик касбини эгаллаган бўлардим...» деб айтган сўзларини Хўжаевдлар оиласига ҳам татбиқ этса бўлади.

Ёш педагог 1941 йили кўплар қатори кўнгиллилар сафида Ватан мудофаасига отланди. У уруш йиллари 28-армиянинг 256-ўқчи бригадасида рота командири сифатида жанг қилди. Галаба нашидаси яқин қолган кунларда қаттиқ яралар бўлиб, она юртига қайтди.

Уруш ва меҳнат ветерани Сайдали ака Хўжаев 41 йилдирки, Калинин районидаги 15-ўрта мактабда математика ўқитувчиси ва илмий бўлим мудири бўлиб ишлаб келаяпти. Кекса педагог ёшларга дарс «магзи»ни сингдириш билан бирга коллективга моҳирлик билан раҳбарлик қилади. Бу мактаб коллективининг сифат ва самарадорлик беш йиллигида қўлга киритаётган ютуқлари таҳсинга лойиқ.

Халқ маорифи аълочиси Сайдали аканинг меҳр эмасидан қанчадан-қанча шогирдлари баҳраманд бўлмади дейсиз? Энг асосийси, у ҳақиқий инсон. Бир касбда, бир коллективда узлуксиз шунча ишлашнинг ўзи фикримизнинг далилидир.

Мураббийнинг турмуш ўртоғи Каромат опа Хўжаева ҳам шу мактабда 37 йилдан бери ёшларга меҳнат кўникмаларини сингдириб келаяпти. Каромат опа меҳнат ўқитувчиси бўлиб, у қизларга чеварлик касбини қунт ва моҳирлик билан ўргатмоқда.

Ота-оналари изидан борагётган қизлари Сурайё Хўжаева 63-ўрта ҳунар-техника билим юртида она тили ва адабиётдан дарс беравётир. Мунаввар Хўжаева 142-мактабда чорак асрдан бери математика муаллими. Азиза, Мунираларнинг 15-мактабда физика-математика ўқитувчиларидир.

Яқинда Тошкентдаги Киров район химия ўқитувчиларининг 70-мактабда бўлиб ўтган семинарида Мухтабар Хўжаеванинг очиқ дарси ва Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўрик» асарларини химия дарсларида ўқувчилар онгига сингдириб бориш ҳақидаги доклади юқори баҳоланди. Йиғилиш қатнашчилари унинг ибратли педагогик маҳоратини оммалаштириш юзасидан қарор қабул қилишди.

Қаршимда меҳрибон устоз ўтирибди. Унинг оқ қировдек сочларидаги ҳар бир толаси ўқувчиларнинг ташвиши, кунларни тунларга улаб қилинган изланишлар, мазмунли умрни сарҳисоб қилувчи маъноларни англатиб турганга ўхшайди.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.



ЯҚИНДА АҚШ мудофаа министри Браун «Крайслер» заводларида ишлаб чиқарилаётган энг янги «ХМ-1» маркали америка танкларини ишлаб чиқаришни уч баравар оширши тўғрисида буйруқ берди. Пентагон июль ойида ана шу заводлардаги йиғув конвейерларини тўла қувват билан ишлашини ҳам мўлжаллаб қўйган: Суратда: «ХМ-1» танки синов пайтида.
ЮПИ — ТАСС фотоси.

ИНЖЕНЕР КАДРЛАР ЗИЁХОНАСИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

КАМОЛОТ ЙИЛЛАРИ

БЕРУНИЙ НОМИДАГИ Тошкент политехника институти ташкил этилганига 50 йил тўлди. Бугунги кунда институт 35 факультетни бирлаштирган улкан илм маскани ҳисобланади. Бу ерда кундузги, сиртқи факультетлар мавжуд бўлиб, улар асосан Тошкентда, Жиззах, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Наманган, Бекобод, Зарафшон ҳамда Учқудуқ шаҳарларидаги филиалларда жойлашган. ТошПИда 35 мингдан ошиқ студент 70 соҳа бўйича таълим олмоқда. Институтимиз педагогик коллективи ва талабалари севимли олий ўқув юртимизнинг ташкил этилишида В. И. Ленининг ҳиссаси катта эканлигидан фахрланадилар. 1920 йили унинг кўрсатмаси билан туғилган дорилфунун ҳозирги Тошкент Давлат Университети қошида техника факультети бор эди.

Инженер — кадрлар тайёрлайдиган бу факультетни бунёдга келтиришда Москва ва Петроград Олий ўқув юртларининг олимлари, педагоглари активлик кўрсатишди. Бугунги кунда биз атоқли совет энергетик олими, профессор, СССР Фанлар академиясининг академиги И. Г. Александров, В. И. Ленин путёвкаси билан республикамизга келиб кадрлар тайёрлашда жонбозлик кўрсатган С. А. Уклонский, Н. И. Либидинский, Н. Ф. Безобразова, В. Д. Журин, И. Г. Белов каби профессор ўқитувчиларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Шунинг. дек, факультетнинг ташкил топишида Ўзбекистонлик рус олимлари ва инженерлари ҳам фаол қатнашдилар.

ВКП(б) Марказий Комитети Снёсий бюросининг ва СССР Халқ Комиссарлар Советининг 1929 йил қарорлари асосида САГУнинг инженер-мелиорация факультети базасида Ўрта Осиё политехника институти ташкил этилди. Орадан кўп ўтмай, бу институт Ўрта Осиё пахтачилик ирригация институти деб атала бошланди. Ўша йилнинг 30 ноябридан эса ҳозирги ТошПИнинг таржимаи ҳоли бошланди.

Институтимиз тўйи мамлакатимиз меҳнаткашларининг буюк доҳийси В. И. Ленининг 110 йиллик юбилейи билан ҳамоҳанг бўлиб кетганлиги айниқса қувончлидир.

Ўтган давр ичида институт техника таълимини ривожлантиришда кенг қулоч ёзди. Уни битириб кетганлар орасида қўплаб академиклар, СССР, Ўзбекистон ССР ҳамда бошқа қардош республикалар академияларининг мухбир аъзолари, юздан кўпроқ фан докторлари, мингдан ортиқ фан кандидатлари фаолият кўрсатаётганлиги ҳам биз учун катта мамнунлик бахш этади. Улардан 8 нафари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 14 нжодкор Ленин мукофоти лауреати, 28 киши эса СССР Давлат Мукофоти лауреати деган шарафли унвонларга сазовор бўлганлардир. Институтни битирганларнинг 40 нафардан кўпроғи Беруний ҳамда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреатларидир, 300 нафар киши республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, инженер, геолог, энергетик унвонларига сазовор бўлган.

Ярим аср давомида институт 75 минг нафар юқори малакали мутахассис тайёрлаб, халқ хўжалигининг 67 соҳасига кузатди. Бундан ташқари илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, техникумлар, лойиҳалаш ташкилотлари, конструкторлик бюролари, саноат муассасалари учун ҳам инженер-кадрлар етиштириб чиқарди.

Илм даргоҳимизда ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш учун аъло даражадаги ўқув корпуслари, лаборатория ва кабинетлар ташкил этилган. Қулай ва шинам ётоқхоналар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари студентлар хизматида.

Талабаларимиз партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигига жавобан ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида активлик кўрсатмоқдалар. Сўнгги йиллар ичида студентларнинг ўзлаштириши анча ўсганлиги, аъло ва яхши баҳоларга ўқиётган йигит-қизларнинг кўпайиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

Тошкент политехника институти-илмий тадқиқот ишлари маскани ҳам бўлиб қолди. Унинг олимлари, ўқитувчилари республикамиз саноат корхоналари билан узвий алоқа ўрнатганлар. Натижада илмий тадқиқотларни амалда жорий этиш ўтган беш йилликдагидан 1,5 баравар ўсди ва кейинги икки йилнинг ўзидагина 10 миллион сўмлик самара берди. Институтимизнинг саноат корхоналари билан илмий-техник ҳамкорлигини Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети маъқуллади ва бу тажрибани ўрганиш бошқа олий ўқув юртларига ҳам тавсия этилди.

Инженер кадрлар масканида студентларни илмий ишлар билан шуғулланишга жалб этиш, уларни жисмоний жиҳатдан бақувват, малакали спортчилар қилиб тайёрлашга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. ТошПИ ёшлари спортнинг жуда кўп турлари бўйича мамлакат ва республика мусобақаларида қатнашиб катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Студентларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг марокли дам олишлари учун Бурчмулла ва Иссиқкўлда спорт-саломатлик лагерлари ташкил этилган.

Институтимизда ёшларни коммунистик интернационализм руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилаётир. Биз бу ишни КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида олиб бормоқдамиз. Турли миллат ёшларидан иборат бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, «Студент баҳори», «Дўстлигимиз мустаҳкам» мавзуларида ўтаётган фестивалларимиз ёшларнинг аҳил ва қувноқ яшашларини таъминламоқда. Талабалар ҳамкорлигини мустаҳкамлашда меҳнат семестрлари катта роль ўйнаётир. Ўтган йили студент қурилиш отрядининг қатнашчилари мамлакатимизнинг Гагарин шаҳри, Олтой ўлкаси, Нов. город, Смоленск областларидаги зарбдор комсомол қурилишларида қатнашдилар. «Интер—ССО» қатнашчилари эса Польша, Чехословакия, ГДР каби социалистик давлатларнинг қурилиш участкаларида меҳнат қилдилар. Уларнинг ишчанлиги, жамоат ишларидаги активлиги Тошкент шаҳар комсомол комитети томонидан ҳар йили муносиб тақдирланиб келмоқда.

Институтимизда 60 миллат вакиллари таълим олаётирлар. Ҳорижий давлатлардан келган 470 студент ҳам ҳамма қатори тенг равишда конституциямиз яратган илм олиш ҳуқуқидан фойдаланмоқда. Биз Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган ёш давлатлари учун инженер мутахассислар тайёрлаб бермоқдамиз. Техник дорилфунунимизнинг бутун фаолиятида партия ташкилоти бош-қошдир. Бу ташкилотга 16 мингдан иборат комсомоллар отряди ҳам актив ёрдам бериб келаяпти.

ТошПИ билан бошқа олий ўқув юртлари орасида социалистик мусобақалар кенг йўлга қўйилган. 1978 йилда институтга биринчи ўринни эгаллаган мусобақа ғолиби сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф, ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма қизил байроғи топширилди.

Ўтган йилнинг 12 ноябрида Тошкент политехника институти «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотланди. Бу мукофотлар республикамиз партия ва ҳукуматининг техник таълимни ривожлантиришга борасидаги беқиёс ғамхўрлиги тимсолидир. Бундай оталарча меҳрибонликка жавобан илм маскани коллективи янги парвозлар сари дадил одим ташламоқда. Ў олий политехника таълимининг бешигига айланиб қолди.

Институтимиз факультетлари асосида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат, Қишлоқ хўжалиги ирригацияси ва механизациялаш, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари, Фарғона политехника, Самарқанд архитектура ва қурилиш, Бухоро енгил озиқ-овқат саноати технологияси институтлари фаолият кўрсата бошлади.

Биз бундан буён ҳам партия ва ҳукуматимизнинг олий таълим соҳасидаги қарорларига амал қилган ҳолда бутун куч ва ғайратимизни малакали инженер-кадрлар тайёрлаш, тарбия ишлари самарасини ошириш ва фаолиятимизни ўшлаб чиқариш билан янада узвийроқ боғлаш халқ хўжалиги учун зарур бўлган муаммоларни ҳал этишга сарфлайверамиз. Институтимизнинг навқирон коллективи ҳар қанча мураккаб ишларни бажаришга қодир. Чунки коллективнинг ишида, тарбия соҳасида чиниққан етакчиси—партия ташкилоти бор. Олий техник таълим даргоҳи коммунистлари ана шу ташкилотга суянган ҳолда илм ва фанни тобора ривожлантиришга ҳисса қўшаверадилар.

И. МИРХЎЖАЕВ,
институтнинг биринчи проректори.

А. ШОКИРОВ,
партия ташкилоти секретарининг ўринбосари.



Суратда: Архитектура факультетида. «Жамоат бинолари ва интерьерларини лойиҳалаш» кафедрасининг доценти Х. М. Убайдуллаев (ўртада) спорт марказининг ўқув лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида.

НАФОСАТ МАСКАНИ

БУГУН БИЗ учун қўш шодиёна. Институтимиз қатори факультетимиз ҳам эллик баҳорини қаршиляпти. Босиб ўтилган изчил самарали ва сермазмун эканлигидан қувонамиз.

Ўтган йиллар мобайнида республикамиз 2 мингдан кўпроқ архитектор кадрларга эга бўлди. Агар кўз ўнгингизда шаҳарлар, қишлоқлар қурилаётган бўлса уларнинг юксак дид, нафис қалби, моҳир қўллар маҳсули деб биласиз.

Оналарнинг буюклиги, Ватан учун жон фидо қилган жангчиларнинг жасоратини мадҳ этгувчи ёдгорликлар олдида ҳаяжон билан турибсиз. Болигингизми, билингки унда архитектор юрагининг ёлқини мужассам.

Факультетимизда гўзаллик бунёдкорларини тарбиялаш ва тайёрлашда жонбозлик кўрсатаётган устозлар кўп. Халқ архитектори, профессор А. Б. Бобохонов, архитектура фанлари кандидати, доцент, факультет декани Х. М. Убайдуллаев, профессор В. А. Нильсон, доцент В. Архангельский, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. М. Муҳамедов доцентлик вазифасини бажарувчи М. З. Зоҳидовлар шулар жумласидандир.

Уларнинг ёркин истеъдодлари талабалар йўлини ҳамиша мунаввар этмоқда. Мураббийлар билан факультетимиз ҳақли равишда фахрланади.

И. АБДУРАҲМОНОВ,
Архитектура факультетининг ўқитувчиси.

ОЛТИН ТЎЙГА СОВҒА

Институт драма тўгарагининг аъзолари Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри биносида В. Шекспирнинг «Отелло трагедиясини намойиш этиб, томошабинларда катта завқ-шавқ уйғотган эдилар.

Яқинда бу ўлкан кошона тўгарак қатнашчиларининг яна бир қувончига гувоҳ бўлдик. Улар драматурглар — Уйғун ва Иззат Султоннинг машҳур «Алишер Навоий» спектаклини саҳнага қўйдилар.

Ўзбек халқининг буюк мутафаккири — Алишер Навоий ролини техника фанлари кандидати, доцент Т. М. Миркомилов зўр маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, 4-курс студенти Э. Тиллаев, 3-курс студенти Г. Ҳўжаконова, архитектура фанлари кандидати Ҳ. А. Салоҳиддиновлар яратган Жомий, Гули, Мажидлин образлари айниқса томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тўгарак аъзолари томонидан юксак маҳорат билан саҳналаштирилган бу спектакль институтнинг 50 йиллик юбилейига муносиб тўҳфа бўлди.

Ж. САИДҚОСИМОВ.

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

(Марҳум Муҳаммад ЎРОЗБОЕВ хотирасига)

Бир қалқиб
қорайди тоғларнинг қори,
Бир қалқиб
шум ажал бунда қоқди кифт.
Фозиллар боғининг
улкан чинори
Ногоҳ
юлиб кетди машъум тасодиф.
Ҳа, тириклик ҳеч гап эмас ўлимга,
Лекин умрлар бор — шошгайдир ақл,
Ўлим ҳам ҳеч нарса эмас уларга!
Ўзга таърифларга етмагай нақл!
Шундай тақдир Сизга насиба, устоз,
Буюк Ҳабиб[1], ёнига кетгансиз гарчи.
Ҳамон «Қўлланма»лар қўлларда мумтоз,
«Иплар назарингда» — элларда элчи...
Қайда қизғин давра — беназир суҳбат,
Дилларда тилларга номингиз кўчгай.
Ҳалил[2] Москвадан келганда, албат,
Сизни тавоф этгали Чиғатой учгай.
Халқ умрига умрин боғлаган инсон,
Зотан,
ҳар икки дунёда суюмли, азиз.
Устоз!
Сизни унутмас Ўзбекистон,
Ахир
Сиз ҳам уни унутмадингиз!

Азим СУЮН.

1, 2 Ҳабиб Абдулла, Ҳалил Раҳматуллин — олимнинг қадрдон дўстлари.

БАХТИЁРМАН

Кириш имтиҳонлари топшираётган пайтим эди. Менга ҳам олий ўқув юртида ўқиш насиб бўлармикан, дилимда жўшураётган орзумга етармиканман, деган хаёлга кўп берилардим. Орадан сал ўтмай мақсадимга эришдим. Имтиҳонларни муваффақиятли топширганим учун мандат комиссиясида биринчилар қатори чақириб қолишди. Ундаги қувончимни сизларга баён этолмайман.

Бизнинг мамлакатимизда инсоннинг қўлини қаёққа узатса етишига зўр ишонч ҳосил қилдим. Лекин ҳар қандай мақсад учун меҳнат қилиш, изланиш, ҳаракат зарур экан. Яқинда ҳаётимда умрбод яна ёдда қоладиган воқеа рўй берди. Мени, оддий ўзбек қизини — Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди. Энди мен халқимизнинг юқори — бошқарув органидаги вакилиман. Ана шундай шарафга муяссар бўлганлигимдан беҳад бахтиёрман. Бундан буён ҳам аъло ўқишларим, сайловчилардан тушган наказларга бўлган ҳозиржавоблик муносабатларим билан бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Гулнора ИСРОИЛОВА,
самолётсозлик факультетининг тўртинчи курс студенти.

ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДАН

ЎРТА ОСИЁДАГИ йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланган Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти ўзининг ярим асрлик юбилейига қизғин ҳозирлик билан келди. Илм даргоҳининг Олмалиқ шаҳридаги филиали — кечки кон-металлургия факультетининг ташкил этилганига эса йигирма йил бўлди. Факультет коллективи қўшалоқ тўйини муносиб кутиб олиш учун ибратли тадбирларни амалга ошираяпти.

Бу ерда қўплаб мутахассис кадрлар тайёрланди. Улар ҳозир шаҳар саноат корхоналарида, қурилиш ва транспортда, илмий муассасаларда ишламоқдалар. «Алмалиқсвинецстрой» трести бошқарувчиси Р. Қўлдошев, Тошкент область Совети депутати, Олмалиқ маиший—химия заводи аппаратчиси О. Бакирова ва бошқалар факультетда таҳсил кўрганлар. Ўмуман, мингдан ортиқ киши инженерлик дипломини олди.

Факультетда ўқитувчиларнинг катта группаси ишлаб турибди. Улар етти ихтисослик бўйича талабаларга билим бермоқдалар. Факультет декани, техника фанлари кандидати доцент И. Иногомов, химия фанлари кандидати доцент Қ. Содиқов, партия ташкилоти секретари, физика-математика фанлари кандидати доцент А. Турғунов, марксизм-ленинизм кафедраси мудири доцент В. Климачевлар коллектив ветеранлари ҳисобланишади. Шунингдек, доцент В. Чазов, ўқитувчилар В. Макшенов, А. Абдуҳакимов, Тошкент область Совети депутати, ўқитувчи М. Абдурақмонова ва бошқалар студентларнинг ғамхўр мураббийларидир.

Студентлар билан кенг миқёсда илмий изланишлар олиб борилаяпти. Шунисн диққатга сазоворки, қўплаб талабаларнинг диплом ишлари лойиҳаларн корхоналарда яхши натижалн олинмоқда. Жумладан, яқинда доцентлар И. Иногомов ва В. Климачевларнинг монографиялари босмадан чиқди.

Факультет ўқув корпусига қўшимча бино қурилиши-монтаж ишлари тугалланди. Коллектив олий ўқув юртининг шонли юбилейини ҳар томонлама муносиб кутиб олмоқда.

М. АСҚАРОВ,
кафедра мудири, доцент.
О. ХУШНАЗАРОВ,
ўқитувчи.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

●В. И. Ленин 1920 йилнинг 7 сентябрида Тошкент шаҳрида Туркистон Давлат университетини таъсис этиш тўғрисидаги РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Декретига имзо чекди. Университетда қишлоқ хўжалик, ишчилар факультетлари билан биргаликда техника факультети ҳам ташкил этилди. Бу факультет 1920—1921 ўқув йилида иш бошлади.

●1922 йилнинг бошланишида техника факультетининг механика, электромеханика, тог жинсларини ўрганиш, гидротехника ва инженерлик— қурилиш бўлимларида 494 нафар талаба билим олган. Факультетнинг ўқитувчилар составн 50 кишидан иборат бўлиб, улардан 11 нафари профессорлар, 23 нафари доцентлар эди.

●Тошкент Политехника институти 1929 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг инженерлик мелиоратив факультети асосида вужудга келди. Бу институт республикамиздаги барча техник олий ўқув юртларининг ташкил топишида таъминлаган асосий маскандир.

●1973 йилнинг сентябрида ўрта асрнинг буюк алломаси — энциклопедисти Абу Райҳон Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигни муносабати билан Политехника институтига олимнинг номи берилди.

●Тошкент Политехника институти бугунги кунда мамлакатдаги 16 энг йирик олий ўқув юртлари сафидан жой олган ва Ўрта Осиёда инженер кадрлар тайёрлаш бўйича етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Институт 70 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлайди.

●Ҳозирги пайтда институтда 35 минг талаба билим олмоқда. Унинг 176 кафедрасида 2400 ўқитувчи фаолият кўрсатаётир. Уларнинг орасида академиклар ва Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзолари бор. Шунингдек, институтдаги профессорлар ва ўқитувчилар составининг ярмига яқини илмий унвон ҳамда даражаларга эга.

●Институт ташкил этилгандан буён халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун 70 мингдан кўпроқ мутахассис тайёрлаб берди. Ҳар йили ТошПИда 5000 га яқин студент инженерлик дипломини олмоқда.

●Олий ўқув юртининг кўпгина талабалари халқ хўжалигининг қатор тармоқларида йирик олимлар ва мутахассислар бўлиб етишдилар. Улардан 30 нафари академиклар ва Ўзбекистон ССР ҳамда СССР фанлар академияларининг мухбир аъзолари, 100 нафари фан докторлари, 1000 дан зиёд фан кандидатларидир. Битириб кетганлардан 3 нафари социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 14 нафари Ленин мукофотининг лауреатлари, 28 нафари СССР давлат мукофотининг лауреатлари бўлиб, 40 нафари Беруний ва Ҳамза номли республика давлат мукофотларини олишган. 45 кишига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, 15 кишига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонлари берилган.

●Ҳозирги пайтда институтда 35 факультет мавжуд, улардан 16 таси кундузги, 11 таси кечки, қолганлари сиртқидир.



Суратда: Г. Исроилова.

ИЖОДКОР ТАЛАБАЛАР

Институтимизнинг бошқариш системасини автоматлаштириш факультетида Н. Ш. Шакирзиянов, А. Н. Макаровский, А. С. Свистунов, В. И. Бедюховларни ижодкор ёшлар деб айтишади. Улар «АСУ» кафедрасининг доценти М. И. Генне бошчилигида айрим чорраҳаларда транспорт ҳаракатини бошқариб турувчи прибор яратдилар. «ЛАСТ» транспорт локал автоматик системаси деб аталувчи бу ихтиро иттифоқ аҳамиятига эга бўлди. Талабалар курс проекти сифатида ўз ғояларини амалда текширдилар. Уларнинг ижодий меҳнати Тошкент шаҳрининг давлат автомобиль инспекцияси томонидан қабул қилинди ва СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига тавсия этилди. Кўргазмада «ЛАСТ» бронза медали билан тақдирланди. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси эса студентлар ихтиросини кумуш медаль билан мукофотлади.

С. СТРОГИЙ.

ҚУТЛАЙМАН



Саноат граждан қурилиши факультетининг катта ўқитувчиси Лидия Дмитриевна Терентьевани талабалар самимий ҳурмат қилишади. Суратда: студентлар Л. Д. Терентьева ҳузурида.

С. Строгий фотолари.

Халқлар дўстлиги ордени Беруний номидаги Тошкент политехника институти республикамиз халқ хўжалиги учун минглаб етук инженерлар етказиб бериш билан биргаликда турли илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари учун малакали педагоглар, илмий ходимлар ҳам тайёрлаб бермоқда.

Институтимизни муваффақиятли тугаллаган йигит-қизлар турли кафедраларда, мавжуд бўлган кундузги ёки сиртқи аспирантураларда олиб қолинадилар. Улар дастлаб бир йил мобайнида стажер-тадқиқотчи сифатида илмий ишлар олиб бориш сирларини ўрганадилар.

Бизнинг илм масканимизда ишлаб турган 65 академик ва фан докторлари ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишларига раҳбарлик қиладилар. Академик К. С. Аҳмедов, Х. Ф. Фозилов, Х. Н. Боймуҳамедов, Г. О. Мовлонов, ЎзССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзолари Х. Р. Рустамов, М. А. Асқаров, профессорлардан А. Б. Қўчқоров, Н. Р. Юсуфбеков, И. М. Мирхожиев, Ф. Б. Бадалова, А. О. Ортиқов кабилар ўз меҳнат фаолиятлари мобайнида жуда кўплаб ёшларнинг кандидатлик ва докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилганлар ва ҳозирги кунларда ҳам бу борада самарали иш олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кунда институтимизни битириб чиққан ёшлар Иттифоқимиздаги турли олий ўқув юртлари аспирантураларида илмий ишлар олиб бормоқдалар. Институтимиз аспирантурасида 500 га яқин аспирант билим чўққиларини эгаллаш учун изчил шуғулланмоқда. Институтимизнинг 50 йиллик тўйи ўтказилаётган шу кунларда жонкуяр устозларимизни чин қалбимиздан табриклайман.

Г. ПИРМУҲАМЕДОВА.

АЪЛОЧИ, ЖАМОАТЧИ

«Студентлар шаҳарчаси» бекатида одам гавжум. Уларнинг аксарияти дарсга шошилаётган қиз-йигитлар. Нарироқда турган жингалак сочи ўзига ярашиб тушган, ўрта бўйли йигитни таниб, у томон юрдим. У нефть-газ факультети «Асосий органик моддалар ва нефть химиявий синтез технологияси» мутахассислигининг тўртинчи курсида ўқийди. У ҳақда кўп эшитгандим.

Ўқувчилик йилларидаёқ химия олимпиадасида республика миқёсида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган, ўрта мактабни «олтин медаль» билан тугатиб, ўша йили олий ўқув юртига юқори кўрсаткич билан кирган, ҳатто, ҳар мавсум пахта теримида пешқадамликни эгаллаган жамоатчи студент Ойбек Қулимов эди.

Суҳбатлашдик, суҳбат давомида қувноқ, дадил, айни пайтда мулоҳазали йигит эканини пайқадим. Унда ёшликданоқ инженерликка ҳавас уйғонган, бу институтга эса уни севимли устози, математика ўқитувчиси Б. Қурбоновнинг «Йигит кишининг ўрни ишлаб чиқаришда» деган ўгити етаклаган экан.

— Аъло ўқишнинг деярли сири йўқ, — деди Ойбек, бунинг учун студент ҳар бир фанни сидқидилдан, қизиқиб ўрганиши лозим. Чунки барча фанлар ўзаро боғлиқ ва улар бир-бирини тўлдиради, менимча.

Меним ча ҳам шундай. Бекатга автобус келиб тўхтади. Биз кетма-кет автобусга чиқиб, ўриндиқда ёнма-ён ўтиргач, унн сўроққа тутдим. — Ойбек, сиз институт жамоат ишларида ҳам қатнашарсиз? — Албатта, — жавоб берди Ойбек, — факультет комсомол комитети секретарининг ташкилий ишлар бўйича ёрдамчиси, ётоқхонада студентлар советининг ҳамда редколлегия аъзосиман. Яқинда институт маъмурияти аъло ўқишим ҳамда жамоат ишларига актив қатнашганим учун мени Беруний номидаги стипендияга тавсия этди.

Автобус марказий йўлдан ғизиллаб, елиб борарди, йўловчиларнинг гала-говури ичида Ойбекнинг аллақандай чизма ва формалар ёзилган дафтарни ўқиб бораётганини кўриб:

— Машинада ўқиш ярамайди, кўзга зарари бор, деб эшитганман, — дедим унга ҳазил аралаш.

— Тўғри айтасиз, — деди у, — мен шунчаки кўзимни дам олдирай деганимда, ўқиб қолдим. Ҳозир ҳаммаси жойида.

Ойбекнинг аллақандай ғайрати, ишга ўтлиқ, ҳаракатчан табиати менга ёқиб қолди. Ўзимни таништирдим. Ойбек ҳам ўзини таништирди. Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган Ойбек Қулимов ҳақида ҳали кўп ўз устимда ишлашим ва изланишим керак. Гап айланиб ётоқдаги аҳволга кўчди.

— Ётоқхонада деярли барча шароит бор, — деди Ойбек. — Дарсларни курсдошлар билан тайёрлаш биз учун қулай. Чунки, фикр алмашишда гап кўп. Ётоқхонамизда «Ленин хонаси», «Дам олиш хонаси» ҳамда «Ҳарбий ватанпарварлик» бурчагининг мавжудлиги бизга янги газета, журналларни мунтазам кўриб боришга ёрдам беради.

Суҳбат билан бўлиб, манзилга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Ойбек мен билан ҳайрлашгач, йўлак тўла одамлар оқимига қўшилиб, илдамлаб кетди.

Ҳа, айтмоқчи Ойбек Қулимов комсомолнинг 61 йиллик тўйини «аъло» ўқиши, жамоат ишларида актив қатнашиши билан қутиб олиш иштиёқида. Биз аълочи талаба Ойбек Қулимов ҳамда у ўқиётган 20—76 «ТООС» группа студентларини институтимизнинг 50 йиллик юбилейи билан қутлаб, уларнинг орзуларига юксак парвозлар тилаймиз.

Х. АЪЗАМОВ,
нефть-газ факультети студенти.

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Маданнат уйига қарашли Марказий кутубхонада ёшлар тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Бу ерда дала ва фермалар, корхоналар ҳамда муассасаларда ишлайдиган йигит-қизлар билан Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларининг учрашувлари, илмий конференцияларни ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Яқинда В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиш жадаллашиб кетди. Яқинда бу билимлар манбаида доҳийнинг «Буюк почин» асари юзасидан кенгайтирилган китобхонлар конференцияси ўтказилди.

Конференцияда район кутубхоналарининг вакиллари, мактаб ўқитувчилари ва кенг китобхонлар оммаси иштирок этдилар.

Бу сермазмун йиғилишда райондаги 1-ўрта мактабнинг директори Ф. И. Ли «Буюк почин» асарининг оламшумул аҳамияти тўғрисида доклад қилди.

Китобхонлар анжуманида сўзга чиққан кутубхона директори С. А. Йўлдошева, район ички ишлар бўлимининг бошлиғи К. Шокиров, марказий кутубхона методисти С. Пак ва кўпгина актив китобхонлар асар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

М. УСМОНОВА.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ОЛИМПИАДА РАМЗИ

МОСКВАДА бўладиган XXII Олимпиада ўйинларининг очилиш куни тобора яқинлашмоқда. Бу катта спорт анжуманига Ангрен керамика комбинати ишчи-хизматчилари ҳам катта тайёргарлик кўришмоқда. Жумладан, корхона муҳри билан чиқадиган «Наргиз», «Гулнора», «Гунча», «Гулзор» сувенирларига Олимпиада белгиси туширилди.

Бу ерда йилнинг биринчи ярмида Олимпиада айиқчасининг тасвири туширилган кўплаб сувенир вазалар ишлаб чиқарилади. Ишчи-хизматчилар Олимпиада рамзи билан чиқарилаётган маҳсулотларни фақат аъло сифатга тоширишга қарор қилдилар.

А. РАЗЗОҚОВ,
Ангрен шаҳри.

ОНАЛАРНИ АРДОҚЛАЙМИЗ

БУДЕННИЙ номли 15-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари уюштирган «Қизлар давраси»да оналар ардоқланди. Бу кечага меҳрибон онахонлар Навоий номли колхозининг илғорлари Ёдгор ая Солиҳова, Хурия ая Мамадалиева, қаҳрамон она Қумри ая Йўлдошева, тажрибали мураббиялардан Саодат Аҳмаджонова, Нурия Сафарова ва бошқалар таклиф қилинди.

Ўқувчилар оналарни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этишди. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидан кўриниш намойиш қилишди. Кечани уюштиришда фаоллик кўрсатган С. Зиёдуллаева, Г. Шоназарова, Г. Каримбекова ва бошқаларнинг чиқишларидан кўпчилик мамнун бўлди.

И. ТОЖИБОЕВ,
Тошкент райони.

Тоғлар қаршисида баҳайбат Гулливернинг гавдаси савлат тўкиб турибди. Унинг оёғи остида, машҳур эртакда тасвирланганидек, бутун бир шаҳар ястаниб ётибди. Аммо бу ерда пакана одамлар эмас, балки Зарафшон шаҳрининг болакай ва қизалоқлари яшайдилар. Уларнинг шаҳрида, аниқроғи «Золотинка» пионер лагерида нималар йўқ дейсиз! «Эртаклар водийсида» орзидан олов пуркаб турган аждаҳо, ўрмон ҳайвонларининг фантастик тасвирлари гавдалантирилган, тоғовуқ оёқларига ўрнатилган уйчадан Нептун байрамида афсонавий персонажлар югуриб чиқиб, саросимага тушган кишиларни катта ҳовузнинг зилол сувига ҳайдаб туширади. Бу ерда «кўҳна калъа»нинг ўқ отиладиган тешиклари кўзга ташланади, соҳибкамол «Бригантина» бамисоли қум океанига интилаётгандек ҳайбат солиб турибди. Бу ердаги болалар оддий ётоқхоналарда эмас, балки қозоқча ўтовларни ёки кема каюталарини эслатувчи уйчаларда, ўрмонларда учрайдиган жажжи уйларда ухлайдилар. Юзлаб одамларнинг ажойиб фантазияси туфайли лагерда муҳайё қилинган ҳамма нарсаларни санаб бериш қийин. Мана шу болалар шаҳарчасининг ҳаммаси жамоатчилик асосида бунёд этилганига ишониш ҳам қийин.

«ИЗВЕСТИЯ» СОВРИНИ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ КУРИК-КОНКУРСИ

Ҳозир навбаҳор. Бироқ пионер лагерида ҳаёт қайнаб турибди. Лагерь бошлиғи Екатерина Степановна Макарова бундай дейди:

— Тез орада «Золотинка» ёзни-қишин ишлайдиган шифохонага айланади. Хоналарга иссиқ сув келтирилади, шунда лагерь йил бўйи ишлайдиган бўлади.

Бу пионер лагери зарафшонликларнинг, яқиндагина мамлакат харитасида пайдо бўлган ёш шаҳардаги серғайрат кишиларнинг характерини жуда яхши ифодалайди.

Зарафшон аҳолисининг ўртача ёши 27 дан ошмайди. Шаҳар тез ўсмоқда. Жуда қийин шароитларда одамлар йил сайин қумликлардан минглаб квадрат метр ер ўзлаштириб, уй-жой бинолари, магазинлар, мактаблар қуришмоқда. «Прогресс» спорт комплекси шаҳардаги дастлабки иншоотлар қаторида қад кўтарган эди. Айтишларича, экскаватор бўлажак шаҳар ўрнидаги биринчи чўмич тупроқни айни ҳозирги сузиш ҳовузи турган жойдан казиб олган экан. Ҳозир зарафшонликларнинг гузукина спорт базаси — беш минг ўринли мўжазгина стадион, уч ванналик ҳовуз, сузиш залы, спорт заллари, ўйин майдончалари бор. Шундай бўлса ҳам ҳозир мавжуд бўлган иншоотлар етишмай қолди. Мана шунда серғайрат кишилар «Золотинка» пионер лагери қандай барпо этилганлигини эслаб қолишди.

БОЛАЛАР СОҒЛОМ ЎССИН ДЕБ

ҲАР БИР МИКРОРАЙОН ДА, УЙДА, ҲАР БИР ҚИШЛОҚДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ БЎЛСИН

«Биринчи қўлқоп» деган ҳовли клуби ҳозир шаҳардаги энг машҳур клубларнинг бири. Зарафшонда шу шаҳарнинг ўзида — вояга етган уста боксчиларнинг номлари ҳам яхши маълум. Кўпгина ўспиринларнинг отаоналари тренер А. Силачевдан ўз болаларининг бокс секциясига қабул қилинишини сўраб тинчлик бермаяптилар. Ҳозир бу секцияда юзга яқин бола шуғулланмоқда.

Мана шу ҳовли клуби мактаб подвалида жойлашган. Бу клубни спортчиларнинг ўзлари бунёд этишди. Бу ерда боксчилардан ташқари ёш гимнастикачилар, оғир атлетикачилар ҳам шуғулланмоқдалар. Ҳақиқий спорт иншоотларидек, барча қоидаларга мувофиқ ускуналанган ҳамма заллар жамоатчилар кучи билан жиҳозланганига ишониш қийин.

— Клубда ҳаммаси бўлиб етмиш минг сўмликка яқин иш қилинди, — деди «Прогресс» спорт комплексининг директори К. Шихирев. — Кўпгина ташкилотлар болаларга катта ёрдам беришмоқда, албатта. Шаҳардаги ҳамма корхоналарнинг раҳбарлари спортчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Шу клубни вужудга келтириш пайтида автомобиль транспорти бошқармасининг ва марказий руда бошқармаси раҳбарларининг ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Истиқомат жойидаги болалар клублари, 1-ЖЭК ҳузуридаги «Солнишко», 2-ЖЭК ҳузуридаги «Золотинка», 3-ЖЭК ҳузуридаги «Бригантина», 4-ЖЭК ҳузуридаги «Орленок» клублари спорт ҳаёти қайнаган жойларга айланди.

Бу жойлардаги иш формалари жуда хилма-хил бўлса ҳам, аммо мақсад битта: Зарафшоннинг ёш аҳолисини спортга муҳаббатли қилиб тарбиялашдан, шаҳарнинг ёш авлодини соғлом, бақувват қилиб етиштиришдан иборат.

Зарафшон ҳар тарафдан қумликлар билан қуршалган. Чанг тўзонли шамоллар, қум бўронлари баъзан бепоён қум океанини эслатиб туради. Қизилқум дурдонаси — зарафшонликларнинг истироҳат зонаси айни мана шу океан марказида барпо этилди. Унинг салкам уч километр узунликдаги гўзал кўли бу ерга ҳусн бериб турибди. Касаба союз руда кони бирлашган комитетининг раиси А. Проценко бу кўл жуда қисқа муддатда ҳашар усулида қурилганини фахрланиб гапирди. Бир неча ой мобайнида юзлаб кишилар ҳар куни бу ерга келиб туришади. Кўлнинг олти метрдан ўн тўрт метргача чуқурликдаги туби кўчкинчи қумдан иҳота қилинди, қум соҳилга соябонлар ўрнатилди, дарахтлар, буталар экилди, кайиқ станцияси қурилди. Шаҳарда 2—3 йил бўлмаган киши учун бу кўл эртакдек туюлади.

Шаҳардаги спорт иши кўп қиррали тус олган. Шаҳар партия комитети, шаҳар Совети, унинг депутатлари буни жуда муҳим, жиддий иш деб билмоқдалар.

В. ЭМ, А. ИСҲОҚОВ,
«Советская Бухара» газетасининг мухбирлари.
БУХОРО.
(«ИЗВЕСТИЯ»нинг 1 апрель сонидан).



Маҳбуба Мукаррамова Тошкентдаги пластмасса буюмлари ва маиший химия заводининг илғор ишчиси. У шаҳар Советининг депутати сифатида актив жамоатчилик ишларини бажаряпти.

И. Глуберзон фотоси.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНАДИ

А. Н. ОСТРОВСКИЙ номидаги театр ва рассомлик санъати институтида доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан тематик кечалар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Яқинда бу ерда революция йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида навбатдаги суҳбат бўлиб ўтди.

Институтнинг муҳташам ўқув театри биноси студентлар билан гавжум бўлди. Кечада доҳий образини саҳнада ва тасвирий санъатда гавдалантиришга ўз ҳиссаларини қўшган совет санъаткорлари ҳақида гап борди.

Доҳий юбилейига бағишланган навбатдаги кеча студентларда яхши таассурот қолдирди.

Б. ТОЖИЕВ,
Тошкент шаҳри.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ

«Политотдел» колхози стадионида чим устида хоккей бўйича ўтказилган Узбекистон чемпионатида голиблик учун 8 команда куч синашди. Ҳал қилувчи ўйинда Андижон ва Тошкентнинг «Локомотив» командаси учрашди. Андижонликлар 1:0 ҳисобида ғолиб келиб, республика чемпиони бўлишди. Тошкент области командасини 2:0 ҳисобида енгган фарғоналиклар учинчи ўринни олишди.

СТОЛ ТЕННИСИ

Швейцария стол тенниси бўйича Европа чемпионати мусобақаларн бўлиб ўтди. СССР терма командаси якунловчи ўйинда Венгрия теннисчиларини 3:1 ҳисобида енгиб, қитъа чемпиони бўлди. Мамлакат терма командаси сафида тошкентлик ўқувчи Флюра Булатова ҳам иштирок этиб, олтин медаль соҳиби бўлди ва халқаро классдаги спорт мастери талабини бажарди.

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионати иккинчи лигаси олтинчи зонаси қатнашчилари навбатдаги бешинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Буларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Амударё» — «Қаршистрой» — 1:0, «Хива» — «Динамо» — 1:0, «Хоразм» — «Ҳисор» — 1:0, «Шаҳрихончи» — «Янгиер» — 0:0, «Пахтачи» — «Соҳибкор» — 4:0, «Наримоновчи» — «Нефтяник» — 1:1, «Бухоро» — «Ёшлик» — 0:2, «Зарафшон» — «Пахтакор» — 1:0.

Беш турдан сўнг тўққиз очко тўплаган Наманган областининг «Ёшлик» командаси пешқадамлик қилмоқда.

ДЗЮ-ДО

Красноярск шаҳрида дзю-до бўйича ўсмирлар ўртасида СССР биринчилигида қатнашган тошкентлик Олим Шайхисломов 65 килограммгача вазнлилар бахсида бронза медалини қўлга киритди. Чирчиқлик «Меҳнат» вакили Игорь Литягин мутлоқ вазнда кучли олтинлик дан ўрин олди.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Андижонда спорт гимнастикаси бўйича Узбекистон чемпионати старт олди. Эркаклариинг биринчи кунги кўпкураш бахсларида тошкентликлар устунлик қилишди. «Локомотив» вакили Олег Хомяков 53 балл билан биринчи ўринни олди. 52,4 балл тўплаган Сергей Гаврюков иккинчи, 52,2 баллга эга бўлган Илья Смров учинчи бўлди.

Команда ҳисобида 257 балл тўплаган «Буревестник» гимнастикачилари олдинда боришмоқда.



Узбекистон Давлат физкультура институтининг студенти Аслан Хадарцев айни кунларда катта мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўраётир. У эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида СССР чемпиони деган юксак номга сазовор бўлган. Суратда: умидли полвон А. Хадарцев институтнинг спорт медицинаси кафедрасида медицина кўригидан ўтказилмоқда.

Ш. Рустамов фотоси. [УзТАГ].

ГЎЗАЛЛИК ИШҚИДА

Ўлкамиз бўйлаб фусункор баҳор кезаяпти. Ленин комсомоли номидаги истироҳат боғига ҳам баҳор ўзгача чирой бахш этган. Дов-дарахтлар қийғос гуллаб, атрофга кўм-кўк майсалар тўшалган.

Баҳорда истироҳат боғига манзарали ва мевали дарахт кўчатларини ўтказиш, унинг тозалигини таъминлаш биринчи галдаги юмушлар ҳисобланади. Бу ерда 500 туп турли навдаги дарахт ҳамда 40 мингдан ошиқ гул кўчатлари ўтказилди. 625 квадрат метрли янги теплица барпо этилиб, турли хил анвойи гуллар ўстириляпти.

— Биз истироҳат боғини янада гўзал, обод қилиш ниятидамиз, — дейди боғ директори Султонмурод Собиров. — Бунинг учун 200 минг сўм маблағ ажратилиб, шундан 70 минг сўми капитал-ремонт ишларига сарфланади. Бу ўтган галгисидан 4,5 ҳисса кўп, демакдир. Баҳорги юмушларни В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги кунигача тугаллаймиз. М. Иноғомов, Ш. Ниёзов, М. Тошхўжаев, Т. Алихонов, Т. Эшматов каби ишчиларимиз ўзаро социалистик мусобақада пешқадам бўлиб, кунлик топшириқларини 2—3 ҳисса ошириб бажармоқдалар.

Ҳадемай, комсомоллар боғи яна чирой очиб, минглаб пойтахт ёшларини ўз бағрига олади.

О. ҚАНДИЕРОВ.

ҲАЛОСКОРИМ ЎЗИМ БИЛАН

Истеъфодаги подполковник Одил Каримович Расулов ва собиқ ҳарбий ҳамшира Антонина Ивановна бир-бирларига суянib қолишган. Одил ака кўчага чиқиб кетса, аёли «ишқилиб чолим омон қайтсин», деб уйда жонини ҳовучлаб ўтиради. Мана ҳозир ҳам ташқаридан эрининг товушини эшитган заҳоти унга пешвоз чиқди. Унинг қўлидаги рўзғорбоп молларга тўла тугунларни кўриб, ачинди. Эрининг қўлидан тугунларни олар экан, уни койиб:

— Юкингиз оғир-ку, нима қиласиз ўзингизни қийнаб, — деди.

— Ҳалоскорим ўзим биздан. Ҳеч нарсадан қўрқмайман, — деди Одил ака ҳазиллашиб.

Уч марта инфарктга учраб, омон-эсон қолишнинг ўзи бўлмайди, Одил акани, айниқса, юракнинг учинчи ҳуружи олиб кетиши мукаррар эди. Аммо врачларнинг сурункали даволашлари натижасида дард чекинди.

Шу куни ҳавонинг авзойи бузилди. Кўк юзини булут қоплаб, изғирин турди. Илгари келишиб қўйилганидек, Одил Каримович роппа-роса соат 17.00 да халқаро аҳвол ҳақида лекция бошлади.

Лектор анча гапирди. Обҳаво таъсир қилдими ёки халқаро аҳвол кескинлигидан асаби бузилдими юраги гижимлай бошлади. У кўксига қўлини қўйган ҳолда лекцияни зўр-базўр якунлади-да, уйига йўл олди.

Уни эшикдаёқ қарши олган умр йўлдоши Антонина Ивановнага:

— Мазам йўқ, «тез ёрдам»ни чақир, — дея ётоқхонага кирди.

— Ўзингизни дадил тутинг, ҳозир яхши бўлиб қолаесиз, — деди Антонина Ивановна телефонга яқинлашркан.

— Ҳай, нима бўлди сизга, — аёл ўзини гиламда чалқанча ётган эри томон отди. Кўкрагидан бир нафас қотиб қолди. Чол нафас олмасди. Томири уришдан тўхтаган.

Антонина Ивановна бир нафас гангиб қолди. Эрининг ўлганига сира-сира ишонгиси келмасди. Шу сабабдан одатига кўра унинг оғзига икки дона нитроглицерин ташлади. Сўнг бошига ёстиқ қўйиб, кўшниси Омила холага югурди.

— Эссизгина, болаларингга хабар қилдингми? — дея Омила хола қўшнисининг уйига шошилди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Икковлон хонага кириб келишар экан, Одил аканинг хириллаб нафас олаётганини эшитишди. Аёл дарров эрининг юрагини ушлашга тушди.

«Тез ёрдам» машинаси келганда Одил Каримович бемалол нафас олар, у энди врачлар ёрдамигагина муҳтож эди.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ.

ҚАЙСИ ЖОЙДА ҚАНДАЙ ЯШАЙМИЗ

ЯНГИ МАКТАБ

«Политотдел» колхозининг «Коммунист» участкасида 624 ўринли мактаб қурилмоқда. Бу ўқув даргоҳини қуриш учун колхоз томонидан 510 минг сўм маблағ ажратилди.

Қурилиш ишларини олиб бораётган 98-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна ишчилари бу объектни янги ўқув йилигача битиришга аҳд қилишган.

Қ. КАРИМОВ.

КОММУНИСТИК РАЙОНИДА

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб 16 ва 19-мактабларда музей ташкил этилди. Ундан доҳийнинг ёшлик йилларн ва революцион фаолиятини акс эттирувчи стендлар, плакатлар ўрин олган. Шунингдек, экспонатларнинг кўпини доҳий ҳақида ёзилган асарлар ташкил этади.

Музейларни ташкил этишда мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ҳамда кенг жамоатчилик алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

14, 15 АПРЕЛЬ СОАТ 20.00 ДА
В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА

СОЛИСТЛАР:

Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Гулнора АЪЗАМОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанри).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ойдин ТОҲИРОВА олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида, соат 14.00 дан сотилади.

ҲАМ ХЎРДАНИ, ҲАМ БУРДАНИ

Ф Е Л Ь Е Т О Н

Зокир нега соҳасини ўзгартирди? Таниш-билишлар, ҳамкасблар бу жумбоқни ўзларича шархлашади. Бири ундай дейди, бири бундай.

— Ошхонанинг нимаси ёмон, овқатинг олдингда, истаган таомни истеъмол қилиш мумкин. Буёғи, болачақа олдига қуруқ бормайсан: гўшт деганда — гўшт, ёғ деганда — ёғ бориб туради. Вақти-вақти билан бошлиқлар қўлингни қуруқ қўйишмайди,— афсусланишди кўпни кўрган, шу соҳада суяги қотган ҳамкасблар.

— Дарвоқе,— қўшимча қилади бошқалари, Зокир чакки иш қилди. Қозони ҳам мой эди, чўмичи ҳам. Ишқилиб нонқўрликнинг оқибати баҳайр бўлсин.

Хуллас, мана шунақанги гаплар. Аммо ҳар каллада, ҳар ҳаёл деганларидек З. Пўлатовнинг ошпазликни ташлаб «Ташхлеботорг»га сотувчи бўлиб ишга кириши айримлар ўйлаганча «соғин сигирни қисирига алмаштиришдек» гап эмасди.

Одамларга ҳайронман-да, — ўйларди ўзича Зокир,— намунча содда бўлишмаса, ёки мени лақма, қалтабин деб ўйлашадими? Улар тошни-тошга уриб учқун чиқаришса, камина кесакдан олов чиқаради ҳали. Овқатга бир пақир, ярим пақир ортиқча сув тушса вассалом, бошинг балога қолади.

— Шўрвами, шилдиршилдир сувми, таомингиз. На мазаси бор, на матраси. Инсоф сари барака, деб кўзингни очиришмайди. Кофе — бу бошқа масала. Шакари маромида тушса бўлгани, бошқа масаллиғлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Фақат тунов кунги кўнгилсизликни ҳисобга олмасак, ишлар жойида. Бир йил, ярим йил ичида ял-ялаб «Жигулини» гижинглатиб минмасам, Зокир отимни бошқа қўяман.

Лекин ҳаридорлар майдалашиб кетишяпти-да. Мана шуниси тишга тегяпти. Қурумсоқлик ҳам эви билан-да. Отлиққа йўқ колбасадин тўғирлаб берсанг-у, тагин уч-тўрт сўмнинг бетига боришса. Хў, ўша туғаи актингдан ўргилдим. Нима, бизда бола-чақа йўқми, жигилдон йўқми? Қўйган бўлсам колбасанинг устига бир сўмгина қўйибман, уриб қолган бўлсам Хамзинадан 6 сўм, Самсоновасидан 4 сўм уриб қолибман. Шунга ҳам ота тўри—қозихонами?.

Хўш, оқибати нима бўлди, нимани қойиллатишди? Ёзавер актингни, қўл қўймаган номард дедим ўзимга-ўзим. Сотувчи «Каримов»ни кундуз куни чироқ ёқиб қидирсанг ҳам «Ташхлеботорг»дан топиб бўпсанлар. Имзо масаласига келганда бунақанги ажи-бужини ман-ман деган текширувчиларинг ҳам ажратиб бўпти. Мана шунисини қойиллатдим-да. Хуллас, шунақа, визит-рўзимиз мана шу 121-магазин остонасига сочилган экан, бир-бир териб еб юрибмиз...

«Карвон кўп, риски бошқа» деганларидек Зокирга ўхшаш Расиха Рамакаевани ҳам насибаси ҳаридорлар киссасига сочилган экан, мана неча йилдан бери териб еб юрибди. Расихаиинг иродаси-ю, қаноатига қойил қоласан киши Бирон марта у танлаган касбидан нолиганини ҳеч ким эшитганича йўқ. Аксинча, пойтахтимизнинг М. Горький кўчасида жойлашган 29-гастрономга тап қўйиб, палак ёзган самарали «меҳнат»лари ўз вақтида тақдирланган аёл. Лекин табиатида жиндек қусури ҳам йўқ эмас. У ҳам бўлса харидордан беш-ўн тийин «чой-чақа» юлиб қолмаса, еган-ичгани ичига тушмайди, топганидан барака кетаёгандек бўлади. Айтайлик, сутни, қаймоқни ҳарид қилмоқчисиз. Юз грамм, икки юз грамм кам ўлчанди дейлик. Эътироз билдирмокчи бўлсангиз, асло шошилманг, кейин пушаймон бўласиз.

— Намунча тийин устида думаламасангиз. Олишингиз бир литр сут-у, ғалвангиз бир олам, — деб кўлчилик ўртасида изза қилишдан ҳам тоймайди.

Ғалва масаласига келганда А. Икромов райондаги 109-мактаб ошпази Абдужаббор Набиевнинг ҳам «тоқати йўқ». Борди-ю ўқитувчилардан биронтаси «овқат сифатсиз бўлибди» деб кўрсинчи, қолади балога.

— Овқатимиз ёқмадими, муаллим опаси,— дейди киноя аралаш. Ҳозир катта танаффус, уйингизга югуриб бориб келсангиз вассалом, маза қилиб қоринни тўйгазиб келасиз. Сиз ҳам тинчсиз, биз ҳам. Манави жужукларни кўринг, қандай иштаха билан бифштексни уришяпти. Жанжал ҳам йўқ, тўпалон ҳам. Гапирай десангиз, уларда ҳам тил бор. Демак, овқатимиз сифатли, тўйимли. Сариёгдек ёқяпти. Мана сизга факт.

Халқимизда «Қуруқ гап қулоққа ёқмас» деган нақл бор. Бундай ўйлаб қараганда қуруқ гап, сафсата, бўлар-бўлмас уйдирма-ю «миш-миш»лар кимга ҳам ёқади дейсиз. Улар ошдан чиққан тошдек тишга тегади, кишининг ғашини келтиради. Аммо бетайин, бефаросат кишилар тарқатган «миш-миш»лар айрим савдога уя қуриб олган нопок шахсларга сариёгдек ёқади.

Собир Раҳимов райпишчеторгининг 48-, 49-магазин сотувчилари Ҳ. Низомхўжаев ва В. Эргашева, Чилонзор райпишчеторгининг М. Абдураҳмонова мудирлик қилаётган 26-, Октябрь райпишчеторгининг 18-, 3-, 65-, 66-магазинлари ходимлари коробка-коробка сариёглар бўлатуриб, пештахтага чиқармай яшириб қўйганлар.

— Сариёглар нега савдога қўйилмаган, нега ҳаридорлар раъйини қайтарасиз? — бу саволларга юқорида тилга олинган савдо ходимлари ва уларнинг раҳбарлари лом-мим дейиша олмайди. Бу—табиий, албатта. Негаки, уларнинг мақсади фурсатдан фойдаланиш, бирни иккига пуллаш, чўтакни қаппайтириш-да!

Харидорга, хўрандаларга панд бериб, ҳам хўрдани, ҳам бурдани ураётган бундай юлғичларнинг қадами савдо даргохидан қуруса деймиз.

М. ҒАФУРОВ,
Я. САЛИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз! 10.35 — Сарсонлик-саргардонликда (бадиий фильм, 9-серия). 11.40 — Концерт. 13.00 — Янгиликлар. 13.20 — Ҳужжатли фильм. 13.35 — Ўсмирлар ижоди. 16.05 — Адабий ўқиш. 17.00 — Чақмоқлар (бадиий фильм). 18.35 — Дўстларимиз чеҳраси. 19.25 — Дунё воқеалари. 19.40 — Концерт. 19.55 — Космонавтика кунига бағишланган тантаналн йиғилиш. Совет Армияси Марказий академик театридан олиб кўрсатилади. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. Қадимги Греция санъати. 22.35 — Венгрия озод этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган СССРда Венгрия маданияти кунларининг ёпилиши. Танаффусда — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — А. П. Чехов. «Гилоф бандаси». 12.00 — Ўйлаб топ. 12.30 — Темур ва унинг командаси (бадиий фильм). 13.35 — Замандас. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.25 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 18.45 — Инсон болаликдан бошланади. 19.15 — Ленинча альбом. 4-фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқчи-шоирлар. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап. 22.35 — Оловнинг бўйсундирилиши. (бадиий фильм, 1-серия).

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Табиатга муҳаббат. 20.55 — Буюк зафарлар йили. 21.25 — Ўқув кўрсатуви. 22.25 — Ҳужжатли фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|IV да **Инқилоб тонгги.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11|IV да **Паранжи сирлари**, 12|IV да **Чоллар ва ҳампирлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11|IV да **Ҳўзингни ҳаттарок оч.** 12|IV да **Беш кунлик ҳуёв** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва катта цирки артистларининг хайрлашув гастроллари** (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва ҳатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиет ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01913. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1383. 12